



Ислом Нури

«...» :... «...».

Собит ибн Заҳҳок розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўминни лаънатлаш уни қатл қилиш билан баробар» (Муттафақун алайҳ).

«...» :... «...».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сиддиқ (ростгўй одам) учун кўп лаънат айтувчи бўлиш муносиб эмас» (Имом Муслим ривояти).

«...» :... «...».

Абуд-Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кўп лаънат айтувчилар қиёмат куни шафоатчи ҳам, гувоҳ ҳам бўлмайдилар» (Имом Муслим ривояти).

«...» :... «...».



Ислом Нури

Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўмин обрўларга кўп путур етказувчи, кўп лаънат айтувчи, фаҳш сўзлар айтувчи ва сўкағон киши эмасдир» (Имом Термизий ривояти).

Абу Дардо розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар банд бирор нарса лаънатлайдиган бўлса, лаънат осмонга кўтарилади. Бироқ лаънат учун осмон эшиклари ёпилади. Кейин у ерга қайтиб тушади. Унинг қаршисида ернинг эшиклари ҳам ёпилади. Шундан сўнг у гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга бурилиб (йўл қидира бошлайди). Агар бирор йўл топа олмаса, лаънатланган нарсага қараб юради. Агар у нарса лаънатга лойиқ бўлса, (ўшанга урилади). Бўлмаса лаънат айтувчининг ўзига қайтиб тушади» (Абу Довуд ривояти).

Абу Дардо розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар банд бирор нарса лаънатлайдиган бўлса, лаънат осмонга кўтарилади. Бироқ лаънат учун осмон эшиклари ёпилади. Кейин у ерга қайтиб тушади. Унинг қаршисида ернинг эшиклари ҳам ёпилади. Шундан сўнг у гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга бурилиб (йўл қидира бошлайди). Агар бирор йўл топа олмаса, лаънатланган нарсага қараб юради. Агар у нарса лаънатга лойиқ бўлса, (ўшанга урилади). Бўлмаса лаънат айтувчининг ўзига қайтиб тушади» (Абу Довуд ривояти).

Шарҳ:

Лаънат - Аллоҳнинг раҳматидан қувилиш ва узоқлаштирилиш демакдир. Бировга лаънат айтиш хатарли иш. Чунки, лаънатланган киши агар ўша лаънатга лойиқ бўлмаса, лаънат уни айтувчи кишининг ўзига қайтиб тушади. Кўпчилик лаънат айтиш хусусида жуда бепарво



бўлишади. Ваҳоланки, ундан огоҳлантириш, қаттиқ қайтариш ва бу ишда бепарво бўлмаслик лозим.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Муслмонларга лаънат айтиш жуда хатарли ишлардан;
2. Ноҳақ айtilган лаънат уни айтган кишининг ўзига қайтади;
3. Лаънатлаш сиддиқ ва солиҳ кишилар сифатларидан эмас.